

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ҚУРБОНОВ ЖАСУРБЕК АКМАЛЖОНОВИЧ**

**ТАЛАБАЛАРДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МАДАНИЯТНИ ИННОВАЦИОН**  
**УСУЛДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**  
**(“Фалсафа (этика, эстетика, мантик)” фани мисолида)**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**НАМАНГАН – 2020**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Қурбонов Жасурбек Акмалжонович**

Талабаларда интеллектуал маданиятни инновацион усулда ривожлантириш  
технологияси (“Фалсафа (этика, эстетика, мантик)” фани мисолида) .....3

**Қурбонов Жасурбек Акмалжонович**

Технология инновационного развития интеллектуальной культуры у  
студентов (На примере предмета «Философия (этика, эстетика,  
логика)») ..... 21

**Kurbonov Jasurbek Akmaljonovich**

Technology of innovative development of intellectual culture among students  
 (“in the example of Philosophy (ethics, aesthetics, logics)” sciences) .....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published work .....44

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ҚУРБОНОВ ЖАСУРБЕК АКМАЛЖОНОВИЧ**

**ТАЛАБАЛАРДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МАДАНИЯТНИ ИННОВАЦИОН  
УСУЛДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ  
("Фалсафа (этика, эстетика, мантик)" фани мисолида)**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**НАМАНГАН – 2020**

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.Phd/Ped905 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Кўқон давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.namdu.uz](http://www.namdu.uz)) ва "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Эгамбердиева Турғуной Аҳмаджонова**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ҳакимов Назар Ҳакимович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Аскарова Ўғулхон Мамашакировна**  
педагогика фанлари доктори, доценти.

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "05" январь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси 316-уй. Тел.: (+99869) 227-06-12; факс: (+99869) 227-07-61; e-mail: [info@namdu.uz](mailto:info@namdu.uz))

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-29-81.

Диссертация автореферати 2020 йил "24" 12 куни тарқатилди.  
(2020 йил "24" 12 да 4 - рақамли реестр баённомаси).



**Т.Файзуллаев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

**К.Абдуллаев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби, п.ф.н., доцент

**Ш.Абдуллаев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, к.ф.д., профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктор (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув шароитида талаба-ёшларнинг интеллектуал маданиятини юксалтириш жараёнлари билан боғлиқ муаммолар ўқитишнинг инновацион усуллари технологияси – педагогик, фалсафий, амалий ривожлантиришга боғлиқдир. Зеро, дунёнинг ривожланган мамлакатларининг кадрлар маркетингидаги асосий долзарб вазифа танқидий тафаккур ва мантиқий хулоса чиқариш, аналитик тафаккур каби интеллектуал маданият компонентларига эга юксак мутахассисларни тайёрлаш билан изоҳланади. Чунки, дунё таракқиётининг эртанги истиқболи педагогик жараёнда ўзининг илмий, ижодий, касбий фаолиятини юксак инсоний, ахлоқий мезонлар асосида олиб борадиган интеллектуал маданият эгаларини шакллантириш муаммоси билан боғлиқ.

Дунёнинг илғор олий таълим муассасалари ва илмий тадқиқот марказлари<sup>1</sup>да фалсафа фанини ўқитиш орқали талабалар интеллектуал маданиятини танқидий тафаккур, мантиқий хулоса чиқариш ва аналитик фикрлаш кўникмалари асосида ривожлантиришнинг самарали метод ва воситаларига оид тадқиқотлар олиб борилмоқда. Таракқиётнинг мураккаб ва таҳликали даврига қадам қўйган инсониятнинг ўз олдидаги глобал муаммоларни англаши, жамиятнинг биороботлашувини олдини олиш учун бугунги кун таълим олувчиларида фалсафий тафаккур асосида интеллектуал масъулиятни шакллантириш дунё педагогикаси олдидаги энг муҳим вазифалардан бирига айланди.

Мамлакатимизда олий таълимнинг мақсадларидан бири талабаларнинг билим олиш даврида фалсафий малака ва муайян кўникмалар асосида интеллектуал маданиятини шакллантириш орқали жаҳон стандартларига жавоб берадиган кадрларни тарбиялашдир. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий қилиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятини сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш”, шунингдек, “ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш<sup>2</sup>” устувор вазифалар қилиб белгиланди. Бу эса, илғор хорижий тажрибаларни олий таълимга кенг жорий этиш, талабаларнинг интеллектуал фаоллик даражасини баҳолашнинг миллий тизимини такомиллаштириш, уларда интеллектуал маданият кўникмаларини ривожлантиришнинг инновацион усуллари ишлаб чиқиш, технологик босқичларини аниқлаштиришни тақозо этади.

<sup>1</sup> Chinese Academy of Sciences, Helmholtz Association of German Research Centres, French National Centre for Scientific Research, Institute of Science and Technology Austria, National Education Association (USA), University of Southern California (USA)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПҚ-3271-сон, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон қарорлари, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон фармонлари ва бошқа тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон таълим тизимида талабалар интеллектуал маданиятини инновацион-педагогик усулда ривожлантириш бўйича тадқиқотларни икки гуруҳга – Ғарб ва Шарқ мамлакатларида ўрганилиши деб ажратиш мумкин.

Ғарб мамлакатларида талабалар интеллектуал маданияти олимлар Ш.Легг, М.Ҳаттер, А.Роубек, Н.Ҳамфрей, К.Клифтон, Ҳ.Броуд, Р.Фелдер, Р.Брент, Ҳ.Друмоунд, А.Веиз, Р.Гилар, П.Минано, Ж.Доланд, П.Коллинслар томонидан тадқиқ этилган.

Шарқ мамлакатларида интеллектуал маданиятнинг педагогик жиҳатлари, олий таълим муассасалари талабаларининг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш методикасини олимлар С.Пантурат, П.Сювонной, Ж.Кетчатурат, К.Чангвонг, А.Суккамарт, Б.Сисан, М.Салваратнамлар ўз изланишларида таҳлил қилган<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда талабалар интеллектуал маданиятини О.Мусурмонова, С.Т.Ширматов, И.Б.Сиддиқов, Д.Х.Турдибоев, А.Абдуқодиров, Р.Ғ.Сафарова, Н.Атақулова, И.Б.Асқаров, Э.З.Усмонова, С. Файзулина каби файласуф, тарихчи ва педагог олимлар тадқиқ қилганлар. Шунга қарамадан, талабалар интеллектуал маданиятини фалсафа таълими асосида инновацион усулда ривожлантиришнинг педагогик технологиялари алоҳида тадқиқот муаммоси сифатида ўрганилмаган.

---

<sup>1</sup>Мазкур олимларнинг асарлари диссертация охирида «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да келтирилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қўқон давлат педагогика институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Олий таълимда инновацияларни қўллашнинг муаммо ва ечимлари” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** талабалар интеллектуал маданиятини инновацион усулда ривожлантиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

“талабалар интеллектуал маданияти” тушунчасининг мазмуни, моҳияти ва уни ривожлантиришнинг объектив ижтимоий-педагогик заруратини аниқлаш;

талабаларда интеллектуал маданиятни ривожлантиришда фалсафа таълимининг замонавий педагогик мақсади, вазифалари ва имкониятларига аниқлик киритиш;

замонавий фалсафа таълими асосида талабалар интеллектуал маданиятини ривожлантиришнинг инновацион шакллари ва усулларини аниқлаш;

тажриба-синов ишларини ташкил этишнинг мақсади, вазифалари, натижалари ва уларнинг таҳлилин итказиш.

**Тадқиқотнинг объекти** олий таълим муассасалари талабаларининг интеллектуал маданиятини инновацион усулда ривожлантиришнинг педагогик жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларида Қўқон давлат педагогика институти, Фарғона давлат университети, Наманган давлат университети ва Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетларининг 595 нафар талабалари иштирок этди.

**Тадқиқотнинг предмети** фалсафа, этика, эстетика ва мантик фанларини янгича усулда ўқитиш асосида интеллектуал маданиятни ривожлантиришнинг мазмуни, шакл, восита ва методлари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида илғор тажрибаларни ўрганиш, қиёсий таҳлил, педагогик кузатув, педагогик тажриба, моделлаштириш, суҳбат, интервью, тест, педагогик эксперимент, математик-статистик таҳлил этиш ва таҳлил натижаларини умумлаштириш усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ахборий-когнитив, шахсий-қадриятга йўналтирилган, фаолиятли-ижодий компонентлар асосида талабалар интеллектуал маданиятини ривожланганлик даражасини ташхис этишнинг инфорацион, мотивацион ва педагогик босқичлари аниқланган;

талабалар интеллектуал маданиятини аксеологик ёндашув асосида ривожлантириш орқали аналитик ва танқидий фикрлаш малакасига эга бўлган етук кадрлар тайёрлашнинг ижтимоий-педагогик зарурати асосланган;

талабалар интеллектуал маданиятига хос иждодий яратувчанликка тайёргарлик кўникмаларини ривожланиш даражасининг мантикийлик,

ахлоқийлик, ҳиссий-эмоционаллик каби оптимал педагогик-психологик тамойиллари асосланган.

фалсафа фанини ўқитиш орқали талабалар интеллектуал маданиятини ривожлантиришда ахлоқий-эстетик, мантиқий-диалектик ҳамда тизимли, умумлашган, ўзаро алоқадорлик каби фалсафий тамойилларга асосланган таълимнинг ўрни очиб берилган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

фалсафа таълимини инновацион-педагогик усулда ташкил этиш асосида талабаларда интеллектуал маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш методикаси ишлаб чиқилган;

талабалар интеллектуал маданиятини инновацион-педагогик усулда ривожлантиришга йўналтирилган интерфаол таълим муҳитини яратиш юзасидан интерактив машғулотлар ишланмалари, махсус тренинглар дастурлари ишлаб чиқилган;

бўлажак мутахассисларнинг интеллектуал маданиятини ривожлантиришда фалсафа фанларидан фойдаланишнинг самарадорлик даражалари кўрсаткичлари такомиллаштирилган ва оптимал методикаси яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндашувлар ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, эмпирик ўрганишлар асосида келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистик методлар воситасида асослангани, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фалсафа фанлари асосида талабалар интеллектуал маданиятини инновацион-педагогик усулда ривожлантиришга хизмат қиладиган методологик ёндашувлар ҳамда педагогик шарт-шароитларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти фалсафа таълими асосида талабалар интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, инновацион-педагогик усулда талабаларнинг танқидий фикрлаши, креативлиги, аналитик таҳлил қилиш кўникмасини ўстириш, либерал таълим муҳитини яратиш орқали бўлажак кадрлар тафаккури, мантиқий мушоҳадакорлиги, муаммони ечиш кўникмаси ҳамда кенг дунёқарашини юксалтиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Талабалар интеллектуал маданиятини фалсафа фанлари асосида янгича педагогик усулда ривожлантириш технологияларига доир тадқиқот натижалари асосида:

ахборий-когнитив, шахсий-қадриятга йўналтирилган, фаолиятли-ижодий компонентлар асосида талабалар интеллектуал маданиятини ривожланганлик даражасини ташхис этишнинг информацион, мотивацион ва педагогик босқичлари, талабалар интеллектуал маданиятини аксеологик



ёндашув асосида ривожлантириш орқали аналитик ва танқидий фикрлаш малакасига эга бўлган етук кадрлар тайёрлашнинг ижтимоий-педагогик заруратига доир таклифларидан А-1-099 рақамли “Ўзбекистоннинг барқарор стратегик тараққиётида фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш ва маънавий-ахлоқий хавфсизликни таъминлаш концепцияларининг аҳамияти” (2015-2017 йй) номли амалий лойиҳа бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 10 январдаги 89-03-148-сон маълумотномаси). Натижада, таклифларнинг амалиётга жорий этилиши талабаларда интеллектуал маданиятни ривожлантиришнинг тарихий ва замонавий йўналишларини аниқлашга хизмат қилган;

талабалар интеллектуал маданиятига хос ижодий яратувчанликка тайёргарлик кўникмаларини ривожланиш даражасининг мантиқийлик, ахлоқийлик, ҳиссий-эмоционаллик каби оптимал педагогик-психологик тамойилларига доир хулосаларидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастурига мувофиқ 2018 йил 16-22 февраль кунлари ўтказилган “Ёш китобхон” танловининг талабаларини ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2020 йил 6 февралдаги 04-13/524-сон далолатномаси). Натижада, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши талабаларнинг интеллектуал маданиятнинг муҳим компоненти бўлган китобхонлик малакаларини ортишига хизмат қилган;

фалсафа фанини ўқитиш орқали талабалар интеллектуал маданиятини ривожлантиришда ахлоқий-эстетик, мантиқий-диалектик ҳамда тизимли, умумлашган, ўзаро алоқадорлик каби фалсафий тамойилларга асосланган таълимнинг ўрнига доир хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4307-сон қарори асосида Республика Маънавият ва маърифат маркази Фарғона вилоят бўлими ҳамда Фарғона давлат университети ҳамкорлигида 2019 йил 27 сентябр куни Фарғона шаҳридаги Аҳмад ал-Фарғоний номидаги Ахборот-русурс марказида ташкил этилган “Ёшлар ўртасида интеллектуал маданиятни юксалтиришда тарғиботнинг янгича инновацион усулларида фойдаланиш технологияси” мавзусидаги маърузани тайёрлашда фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 23 январь 03-09/106-сон маълумотномаси). Натижада, илгари сурилган назарий хулосалар, амалий таклиф ва методологик тавсиялар талабаларнинг интеллектуал ва ижодий қобилиятларини рўёбга чиқариш борасидаги мавжуд шарт-шароитларни такомиллаштиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган бўлиб, улардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар

асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика, 1 таси хорижий журналларда нашр этилди.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми:** Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 142 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Талабаларда интеллектуал маданиятни ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида талабалар интеллектуал маданияти тушунчасининг мазмуни, моҳияти ва уни ривожлантиришнинг объектив ижтимоий-педагогик заруратини тадқиқ этилган.

Талабаларнинг интеллектуал маданияти ақлий-руҳий қобилиятга асосланган гносеологик фаолият тури ҳисобланади. Бўлажак кадрнинг интеллектуал савияси таълим муассасаси илмий-педагогик салоҳияти, талабанинг ақлий ва аналитик тафаккур қобилияти, дунёқараши ҳамда танқидий фикрлаш даражасига чамбарчас боғлиқ бўлади. Манбаларга мурожаат этилса, интеллект, лотинча “*intellectus*” сўзидан олинган бўлиб, у одатда “ақл-идрок”, “англаш”, “тушуниш”, “фаҳмлаш” деган маъноларни англатади<sup>1</sup>. Ушбу сифатни инсонда юксак даражада намоён бўлиши унинг интеллектуал маданиятини белгилаб берса, талабаларнинг интеллектуал маданияти уларнинг ақл-идроки, фаҳм-фаросати, онгу-шуурининг юксак даражада ишлаши ва уларнинг амалий аҳамияти билан ўлчанади. Умумистилоҳлар луғатида (*AllWords Dictionary*) интеллектга “хотира, тасаввур, билим, тажриба, янги вазиятларга мослашиш ва муаммони ечиш кўникмаси<sup>2</sup>” дея тариф берилган. Фалсафа ва психология луғати (*Dictionary of Philosophy and Psychology*)да интеллект “махсус назарий фикрлаш ва тафаккур қилиш лаёқати” сифатида таърифланади. Бошқа бир манбага кўра, “интеллект руҳият ва зехниятнинг кесишган нуқтаси, бир-бирини англаш ҳолати”<sup>3</sup>, деб қайд этилади. Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида **интеллект** (лот. *intellects* - билиш, тушуниш, идрок қилиш) сўзи инсоннинг ақлий қобилияти, ҳаётни, атроф муҳитни онгда айнан акс этириш ва ўзгартириш, фикрлаш, ўқиш-ўрганиш, дунёни билиш ва ижтимоий

<sup>1</sup> Когнитивный подход: Монография. Отв. ред. Лекторский В.А. М. Канон, Реабилитация, 2008. –С. 464.

<sup>2</sup> Shane Legg, Marcus Hutter. A Collection of Definitions of Intelligence. Technical Report. 15 June 2007, -P.1-12

<sup>3</sup> Roback A.A. Intelligence and Behavior. Psychol. Review, 1992, Vol. XXIX, -P.54.

тажрибани қабул қилиш қобилияти; турли масалаларни ҳал қилиш, бир қарорга келиш, оқилона иш тутиш, воқеа-ҳодисаларни олдиндан кўра билиш лаёқати деган маъноларни англатиши қайд этилган. Демак, талабалар интеллектуал маданиятига – “талабанинг ақлий қобилияти, билими, фикрлаш даражаси, танқидий тафаккури, дунёни илмий билиши ва ижтимоий тажрибани қабул қилиш қобилияти, турли масалаларни индивидуал ҳал қилиши, оқилона иш тутиши, воқеа-ҳодисаларни олдиндан кўра билиш лаёқатининг юксак кўриниши” сифатида таъриф бериш мумкин.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги салоҳиятли университетлар томонидан ишлаб чиқилган ва кўплаб давлатлар олий таълим муассасалари томонидан тан олинган талабалар интеллектуал салоҳиятини белгилаш мезонларида куйидагиларга алоҳида эътибор қаратилади.

- талабанинг аналитик фикрлаши (*analytical thinking*)
- талабанинг танқидий фикрлаши (*critical thinking*)
- талабанинг синтез қила олиш лаёқати(*synthesis thinking*)
- талабанинг креатив фикрлаши (*creative thinking*)
- талабанинг муаммони ечиш кўникмаси(*problem solving*)<sup>4</sup>.

Ушбу мезонлар орқали бўлажак кадрларнинг интеллектуал савияси аниқланади ва юқори салоҳиятга эга мутахассислар сифатида баҳоланади.

Талабалар интеллектуал маданияти тушунчасининг таркибий қисмини билим, тафаккур ва дунёқараш ташкил қилади.

Илм-фан мамлакат тараққиётини таъминловчи омиллардан бири ва интеллектуал имкониятларини намоён этувчи кўрсаткич ҳисобланади. Шунинг учун ҳам 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида олий таълим ривожига алоҳида ўрин берилган<sup>1</sup>. Ёшлар интеллектуал қобилиятини юксалишида муҳим омил ролини бажарадиган олий таълим тизими келажак ва ҳозирги кун учун зарур бўлган рақобатбардош кадрлар тайёрлаши, жамиятнинг барқарор ривожланишига ҳисса қўшиши, салоҳияли талабаларни тарбиялаши ҳамда жаҳон стандартлари асосида фаолият олиб бориши лозим.

Жамият ривожланишининг янги босқичида олий таълимдаги бундай имконият инсон фаолиятининг муҳим жабҳаси, ёшлар тарбиясига, бўлажак мутахассислар, малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор бериш вазифасини юклайди. Олий таълимнинг муҳим вазифаларидан бири меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган ҳар жиҳатдан етук рақобатбардош кадрлар тайёрлашдир. Бўлажак кадрларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришда фалсафий фанлар бўлган фалсафа, этика, эстетика ва мантиқ фанларининг ўрни беқиёс эканлигини хориж тажрибаси кўрсатиб турибди. 1998 йил имзоланган Европа Олий таълими майдони тўғрисидаги Сорбонна декларацияси (*Sorbonne Joint Declaration*) орқали сифатни баҳолашнинг

---

<sup>4</sup>Sompong Punturat, Paisan Suwannoi, Jatuphum Ketchatturat. Intellectual Skills Assessment for the Teacher Students at the Faculty of Education, Khon Kaen University. Procedia - Social and Behavioral Sciences 116 ( 2014 ) –pp. 1704 – 1708.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегияси. Халқ сўзи., 2017 йил 8 февраль.

таққослов мезонлари асосида олий таълимда зарурий хорижий тажрибани қўллаб-қувватлаш жараёнлари кетаётганлигини мисол қилиш мумкин<sup>2</sup>. Демак, Болонья декларациясига кўра ушбу жараёнга кирувчи олий таълим муасасаси талабанинг интеллектуал савиясини меҳнат бозорида сотиш учун махсус ўлчовни шакллантириш механизмларини ишлаб чиқади.

Шу нуқтаи назардан ҳам мамлакатимизда талабалар интеллектуал маданиятини ривожлантиришнинг объектив ижтимоий-педагогик заруратини куйидагича хулосалаш мумкин:

– мамлакатимиздаги иқтисодий ислохотлар ва ижтимоий ўзгаришлар даврида интеллектуал салоҳияти юқори кадрларга талабнинг ошиши;

– давлатимизнинг очиклик сиёсати, дунё мамлакатларига ўз эшикларини очиши шароитида, глобал майдонга кириб бориши ҳолатида янги тафаккур ва дунёқарашга эга мутахассисларга эҳтиёжнинг мавжудлиги;

– мамлакат тараққиёти – илм-фан ривожини билан – таълим ривожини билан – талабалар интеллектуал маданияти ўсиши билан – самарали педагогик фаолият билан чамбарчас боғлиқлигининг объектив зарурати;

– бўлажак ота-она сифатида фарзанд тарбиясида, шахс сифатида фуқаролик позициясида, инсон сифатида ҳаёт моҳиятини англашда, мутахассис сифатида юксак касбий билимини намойиш қилишда интеллектуал маданиятнинг объектив зарурати намоён бўлади.

Диссертациянинг **“Талабаларда интеллектуал маданиятни ривожлантиришда фалсафа фанларининг таълим-тарбиявий аҳамияти: шакл, метод ва воситалар”** деб номланган иккинчи бобида талабаларда интеллектуал маданиятини ривожлантиришда фалсафа таълимининг замонавий педагогик мақсади, вазифалари ва имкониятларига аниқлик киритиш, замонавий фалсафа таълими асосида талабалар интеллектуал маданиятини ривожлантиришнинг инновацион шакллари ва усуллари таҳлил қилинади.

Ҳаётга тадбиқ этилаётган 2030 йилга мўлжалланган таълим концепцияси асосида олий таълим муасасаси талабаларининг интеллектуал маданиятини шакллантириш долзарб вазифалардан бирига айланмоқда. Глобаллашаётган оламда теран тафаккур ва кучли интеллектуал салоҳиятга эга кадрларни тарбиялаш ҳар бир жамият барқарор ривожланишининг муҳим гаровидир. Мамлакатимизда ҳам салоҳиятли олий таълим муасасаларига ва уларда етишиб чиқадиган янги дунёқарашга эга рақобатбардош кадрларга эҳтиёж ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бу борада шундай ёзади: “Албатта, биз мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаган, мустақил ҳаётини позицияга эга бўлган ёшларни тарбиялаш бўйича катта ишларни амалга оширмоқдамиз. Аммо бугунги кунда ёшларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун қандай кескин кураш бораётганини, диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, “оммавий

<sup>2</sup> European Commission. *The European Higher Education Area in 2018: Bologna Process Implementation Report*. Luxembourg: Publications Office of the European Union. (<http://ec.europa.eu/eurydice>). –P. 67.

маданият” каби таҳдидлар кучаяётганини ҳисобга оладиган бўлсак, фарзандларимиз тарбияси, маънавий-маърифий соҳадаги ишларимизни бир зум сусайтирмасдан, аксинча, уларни янги босқичга кўтаришимиз зарур”<sup>1</sup>. Шундай экан, тадқиқотнинг биринчи бандида талабалар интеллектуал маданиятини инновацион усулда ривожлантириш технологиясини яратишда фалсафа фанларининг таълим-тарбиявий мақоми, кадрлар тайёрлашда фалсафий дунёқарашнинг аҳамияти ёритилган. Ишнинг илмий фаразига кўра фалсафа таълими бўлажак кадрлар интеллектуал маданиятини ривожлантиришнинг муҳим омили ва самарадор методидир.

Фалсафа фани ҳаёт ҳақиқатларини англашга ундовчи, дунёқараш характеридаги фан бўлиб, олам ва одам ўртасидаги ўзига хос алоқадорликларни тадқиқ этувчи соҳа ҳисобланади. Фалсафа оламга нисбатан ҳар қандай онгли муносабатнинг асосларини топишга ҳаракат қилади. Шунинг учун фалсафий билим мантиқан тартибли тизим сифатида эмас, балки мавжуд муаммони ҳал қилиш йўллари баҳолаш, танқидий қиёслаш ва таҳлил қилинаётган жараёни синчиклаб муҳокама қилиш сифатида намоён бўлади<sup>2</sup>. Фалсафанинг асосий масаласи – барча мавжуд нарсаларни келиб чиқиши, тартиботи, ўзаро муносабати, биридан-иккинчисига ўтишни ҳар томонлама текшириш учун зарурий имконият, воқелик сабаб тамойилларини асос қилиб олишдан иборат. Сабабиятни англаш учун эса, воқеа ва ҳодисаларга танқидий тафаккур, аналитик таҳлил ва креатив ёндашув керак бўлади. Бу хусусиятларни шакллантирувчи фан, албатта, фалсафа ҳисобланади.

Фалсафа таълими талабалар интеллектуал маданиятини ривожлантириш асосида куйидаги малака ва кўникмаларни шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитларини яратади.

– бир соҳанинг бошқа бир соҳа билан ёки соҳалар билан алоқалари ва муносабатларида пайдо бўлувчи масалаларнинг мазмун-моҳиятини англаш ва уни тушунарли қилиб етказиб бериш;

– қарама-қаршилик асосидаги ва низоли ижтимоий муаммоларни вазиятга мос тарзда англаш, таҳлил қила олиш;

– воқеа ва ҳодисаларни тадрижий ривожланиш тенденциясини аниқроқ илғай олиш ва тушунчаларини, мулоҳазаларини баён қила олиш;

– мантиқий зиддиятларни англаш ва топа олиш, уларга етарли асосга эга далиллар келтира олиш, таҳлил қилиш;

– услубий хатоларни, эътиқодий хатти-ҳаракатларнинг мазмунини, тафаккурдаги чалкашликларни аниқлай олиш;

– баҳс-мунозарали масалаларга шахсий ёндашуви ва фикрини аниқ билдириш;

– ижтимоий масалаларга тақлиф этилган фикрлар ва ечимларни таҳлил қилиб, солиштира олиш, ижобий, салбий жиҳатларини илғай олиш;

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. -Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. – Б. 17.

<sup>2</sup> Shermuhamedova N. Falsafa va fan metodologiyasi. –Toshkent.: Aloqachi. 2008, –B.121.

– мустақил фикрлай олиш, креатив ёндашиш, аналитик таҳлил қилда олиш, ҳолис танкидий фикрлаш маънаси.

Фалсафий методлар фикрлаш фаолиятининг ўзига хос усули ҳисобланади. Уларга аналитик, интуитив, феноменологик, герменевтик, синергетик методлар қиради. Шунингдек, мантик фани доирасидаги таҳлил, индукция ва дедукция методлари ҳам мавжуд.


Фалсафа таълими асосида талабалар тафаккурини ўстиришда аввал осонроқ услублар мақсадга мувофиқ. Масалан, “Инсерт” услуби ёрдамида талабалар, асосан, фалсафий матнлар ёрдамида ўз таҳлилий ва танқидий тафаккурларини ривожлантирадилар. Шу орқали фалсафий ғояларни тушунишни ўрганадилар.

**1-жадвал. Талабалар интелектуал маданиятини ривожлантириш шакллари, воситалари ва педагогик мазмуни**

<b>ТАЛАБАЛАР ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАКЛЛАРИ</b>					
<b>ТАЛАБАЛАР ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИЙ ВОСИТАЛАРИ</b>					
<b>Дарс жараёнида - ахборот</b> – технологияла ридан фойдаланиш, дарсни интерфаол методлар асосида ижодий ва муаммоли ташкил этиш.	<b>Дардан ташқари жараён</b> – фалсафа тўғараги, «Заковат» ўйинлари ва бошқа уюшмалар.		Қўшимча шакллар - фан амалиётлари. Баҳс-мунозара ва дебат марказлари.		
<b>ФАЛСАФА ТАЪЛИМИ АСОСИДА ТАЛАБАЛАР ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАЗМУНИ</b>					
Манбалар (дарсликлар, бадий асарлар, услубий қўлланмалар ва ҳ.к.)	Овоз ва тасвирни ифодаловчи воситалар (магнитофон, диктофон, радио, кодоскоп, телевизор, видеокамера, мультимедиа жиҳозларива ҳ.к.)	Оммавий ахборот воситалари (журналлар, тўплам, газета, радио ва телевидение материаллари ва ҳ.к)	Ахборот коммуникация воситалари (интернет тармоқлари).	Махсус тайёрланган анкета ва тестлар	
Муаммоли гуруҳни танлаш	Интеллектуал маданиятни ривожлантириш йўналишларини аниқлаш	Гуруҳ салоҳиятининг мавжуд ҳолатини ўрганиб чиқиш	Интеллектуал маданиятни ривожлантиришга қаратилган махсус методикани педагогик жараёнига татбиқ этиш	Интеллектуал маданиятни ривожлантиришнинг педагогик жараёнидан олинган натижаларнинг самарадорлик даражасини тажриба-синов ишлари асосида аниқлаш.	Талабалар интеллектуал маданиятини ривожлантириш жараёни ҳақида тегишли хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш
<b>НАТИЖА:</b>					
<b>Талабаларда интелектуаллик кўникмалари шаклланган</b>					

Фалсафа таълимида талабанинг интеллектуал даражасини ўстирадиган услубларнинг энг синалган ва энг қадимий услуби бўлган “сукротча баҳс”га ҳеч қайси услуб ета олмайди<sup>1</sup>. Зеро, айнан шу услуб диалектик фикрлаш услубидир ва айнан шу услуб дунёга Сукрот, Платон, Аристотел, И.Кант, Гегел каби кўплаб мутафаккирларни етиштирган. Дарсда ўқитувчи Сукротнинг, талабалар эса Сукротнинг суҳбатдоши ролини ўйнайдилар. Таъкидлаш жоизки, бу услубни фалсафани чуқур биладиганлар ўзлаштириши мумкин ва мақсадга мувофиқдир. Бу услуб масаланинг жавоби баҳс катнашчиларидан бирига аён бўладиган платонча (сукротча) диалог эмас, албатта. Бу саволлар ва уларга жавоблар тўқнашуви жараёнида келиб чиқадиган ночизиқли когнитив-коммуникатив муҳитдир.

**2-жадвал. Талабалар интеллектуал маданиятини ривожлантиришнинг педагогик тизими**



<sup>1</sup> Changwong, K., Sukkamart, A., & Sisan, B. (2018). Critical thinking skill development: Analysis of a new learning management model for Thai high schools. *Journal of International Studies*, 11(2), 37-48. doi:10.14254/2071-8330.2018/11-2/3

Хулоса қилиб айтганда бўлажак кадрлар интеллектуал маданиятини инновацион усулда фалсафа таълими асосида юксалтириш долзарб лекин, кўр-кўрона, догматик равишда эмас, онгли танқидий тафаккур асосида бўлиши лозим. Жамиятимиз учун зарарли, ёт мафкура ва “оммавий маданият” ғояларининг кириб келишига қарши тура оладиган ёшларни тарбиялашда рационалистик фалсафанинг ўрни бекиёсдир.

Диссертациянинг учинчи боби **“Талабалар интеллектуал маданиятини ривожлантиришда “фалсафа (этика, эстетика, мантик)” фанидан фойдаланишни педагогик самарадорлигининг экспериментал тадқиқи”** деб номланади. Мазкур бобда талабалар интеллектуал маданиятини ривожлантиришнинг инновацион усуллари фалсафа таълими мисолида таҳлил қилиш, уларда фалсафий дунёқараш, танқидий тафаккур ва мантикий хулоса чиқариш, аналитик таҳлил кўникмаларини шакллантиришнинг самарали метод ва воситаларини педагогик амалиётда синаб кўриш тажрибадан ўтказилган.

Ушбу тадқиқот иши ҳам миллий таълим тизимини ислоҳ қилиш негизида юксак интеллектуал маданиятли талабаларни тарбиялашнинг педагогик жиҳатларини очиб беришга қаратилган. Тадқиқот иши талабалар интеллектуал маданиятини ривожлантиришда фалсафа таълими, фалсафий фанлар – фалсафа, этика, эстетика ва мантик илмлари асосидаги таълим-тарбия ва педагогик жараённинг самарадорлигини аниқлашни мақсад қилган. Зеро, “Айнан таълим ва маърифат башарият фаровонлигининг асосий омилларидан ҳисобланади, инсонларни эзгуликка даъват этади, саховатли, сабр-қаноатли бўлишга ундайди”<sup>1</sup>.

Тажриба жараёнида талабалар интеллектуал маданиятини ривожлантиришга оид турли методлардан фойдаланилди. Талабаларнинг интеллектуал салоҳияти тўрт босқичда амалга оширилган тажриба-синов ишларининг натижалари бўйича самарадорлик аниқланди.

- базавий фанлардан билимлилик даражаси ва ақлий савиясини аниқлаш;

- мантикий фикрлаш тарзи ва илмий-фалсафий билимлилиги;

- илмий-бадий ва фалсафий асарлар ва адабиётларни таълим жараёнида ва мустақил таълимда ўрганиш;

- танқидий тафаккур қилиш ва кенг дунёқарашини намоён қилиш ҳолати бўйича.

Фалсафий фанларга янгича ёндашув, янгича ўқитиш усули талабалар интеллектуал салоҳиятини ривожлантириши тўғрисидаги тадқиқот иши тажриба-синовдан ўтди. Унинг олий таълим муасасаларида кўпроқ ва кенгроқ ҳажмда интерфаол усулда ўтилиши талабалар ақлий қобилиятини ўстиришда самарадорлиги амалиёт синовида исботланди.

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2017, 1-том. –Б.28.



Талабалар интеллектуал маданиятини янгира усулда ривожлантиришнинг амалий татбиқи уларнинг фаолиятига икки хил ёндашиш лозимлигини таъқозо этди:

1. Талабаларда илмий, бадиий, диний ва фалсафий дунёқарашни, танқидий фикрлаш, аналитик таҳлил ва муаммони ечиш кўникмасини шакллантириш;

2. Талабаларда шаклланган фалсафий дунёқараш доирасида уларнинг интеллектуал маданиятини инновацион усулда фалсафий методлар ёрдамида ривожлантириш.

Махсус таълимда мутахассис, барча фанларни ўрганиш орқали эмас, балки, энг аввало, янги билимлар олишнинг умуммиллий методларини ёки маълум билимларни турли соҳаларда қўллашнинг умумий тамойилларини ўрганиш натижасида тўлиқ билим олиши ва маълумотли бўлиши мумкин<sup>1</sup>. Талабалар учун барча илмларни ўрганиши (буни иложи ҳам йўқ) эмас, балки билим олиш методикасини ва фалсафий дунёқарашни ривожлантириш долзарб вазифадир.

